# Жаннатнинг саккиз эшиги

15:55 / 19.08.2019    4448

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таҳоратини чиройли қилиб, сўнг уч марта:

أَشْهَدُ أَنْ لا إِلَهَ إِلا اللّه وَحْدَهُ لا شَرِيكَ لَهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

**«Ашҳаду алЛаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ»,** деса, у учун жаннатнинг саккизта эшиги очилади ва хоҳлаган эшигидан кириб кетаверади» дедилар.

Бу ҳадисни Аҳмад ибн Ҳанбал, Ибн Можа, Ибн Сунний ривоят қилишган. Унинг иснодида заифлик бор.

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***